

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Чодир. Устига синалар тортиган. Күш тугидан сакланган учун тепаси мато билан тусилади. Ён томонлари очик. Ерга эса ҳар қайси мамлакат ҳожилари учун алоҳида-алоҳида гилжалар, шолчалар эзилган. Электр чироклари тортилан, ҳар 4-5 метрли масофада шамолбергич урнатилган. Ҳар беш метрда 50 литрли жумракли идиш бўлиб, вақти-вақти билан «Зам-зам» шариф суви билан тулдирлиб турилади, унга муз ва их ҳам солинади. Кучақчиларда ҳам жумраклардан сув оқиб туради.



Шу кеча ҳамма ўзбек ҳожилари мазкур даргоҳда тавоф қилдик. 1993 йил 31 май, душанба кунин чин арафа айемида эрталабки нонуштадан сунг Арофат тоғига боришимиз лозим эди. У ерга денгиздан етиб борилмас, битта қўй сўйиб худойи қилиш билан жазоланар экан. Шунинг учун автобуга тоқат қилмай, енгил машинада йўлга тушдик. Йўл-йўлакка тақбир ва талби айтиб келдик. Арофат тоғига етган, ўзбек ҳожилари жойлашган чодирларни қидириб топдик. Бу қароргоҳда пешин ва аср намазини бир вақтда жамоа-жамоа бўлиб ўқиб насиб эдик.

нараса етарли. Арофат тоғида қиём турилганда имомлар — давлатчилар навбати билан маърузалар қилдилар. Яхши дуолар ўқилди, таъбиелар айтилди. Арофат тоғида қиёмда турган ҳожи ўзи яхши курган кишининг исмини айтиб, ҳаж сафарига келишини Алоҳу таоро раку ва таолодан сураб, чакирса, ушбу ният, иншооллоҳ, Алоҳу томонидан ижобат бўлиб, уша толен ерут кишига келгуси йил ҳаж сафари насиб этажанини таяққиланди.

Кетиш таратилганини куриш чоғида яна шу муқаддас даргоҳларга келишни ният, қилдик, тавофи-минз қабул бўлишини Алоҳу таоро раку ва таолодан сурадик. Арофат тоғидан қош қорамасдан кетиб бўлма экан, Ҳамма ҳаҷорини биз ўзбек ҳожилари ҳам автобусларга аввал аёллар ва кексаларни чиқариб, сунг пайти билан жундилик.

Қош қорайган. Жамъ йўлидампиз. Машиналар худди пиёда одамлар сингари секинлик билан юрарди. 4-5 қатор катта-кичик машиналар Жамъ (Музалифа)тоғига равона бўлди. Биз алашиб қолганлик ҳалқиди автобус кутини лозим курдик.

Муборак ҳадиснинг 93-бобида Арофат тоғи билан Жамъ (Музалифа) оралиғиди иккинч жойда Жаноб Расулудлоҳнинг тухтаб, қазои ҳоҷат қилиб, сунг таҳорат олганликларни таяққиланди. Шу удулм боис, биз ҳам бир неча жойда тухтаб, ният ҳоҷат Музалифага етиб келдик.

Бу ерда шом ва ҳуфтон намазини бир вақтда ўқидик, сунгра шайтонга тош отиш мақсадида муборак тошлардан териб олдик. Маълум бир вақт юртдан сунг олаётганлик тухтаб, бомлод (бу бомлод номози 1 июнь, сешанба кунин, қурбонлик ҳайити кунин) эди)намазини жамоа бўлиб ўқидик ва Мино тоғи томон юрдик.

Эрталаб соат тўққизларда Мино тоғига етиб келдик. Ҳожиларимиз жойлашган қароргоҳни тошполмай, турк бирорларимиз чодирга кириб, бир оз дам олшини лозим курдик. Улар билан бирга нонушта қилиш насиб эдик. Солиной Қосимов билан Музал акани турклар чодирда қолдириб, Раҳматжон Қосимов ҳамроҳлигида ўз ҳожиларимиз турган манзилни аниқладик. Музалифа водийсидан териб олган тошларимиз, симишисиз турклар чодирда қолган эди.

Пешин вақти ҳожилар намоз ўқиниш бошладик, биз ҳам, алт хамдуллоҳ, ўз бурчимизни адо эдик. Шайтонга тош отишга улгурманлар ҳамроҳлигида майда тошлардан териб, йўлга отландик. Тоғ оралиғида горлар кул. 7-9 тунелторли йўлининг эни 30 метр бўлиб, узунлиги 1 чакрим. Саккизинчи гор йўлининг узунлиги

эса 2,5 чакримча. Тунелнинг тепа қисмига утгадан катта со-вутгичли двигателъ урнатилган бўлиб, у тор ҳавосини муътадил ушлаб туради. Шу горли йўллардан утилган сунг унг тарафиди эни 20-30 метр келадиган баланд куриқсимом манзилга кузимиз тушди. Унинг тағидан ва устидан юриб, уч жойда шайтонга тош отилишни керак экан.

Ҳожилар Арофат ва Музалифадаги вуқуф ибодатларини адо этиб булга, биринчи қурбон ҳайити кунин Минога — шайтонга тош отиш учун келадилар. Мавжуд утга ясама «шайтон»нинг оралиғи тахминан 35-40 метр, темир-бетон йўлининг урта қисмига жойлашган. Йўлда туйнуқ бор. Шу ердан туриб ҳам тош отса булар экан.

Биринчи шайтонга тош отадиган жойнинг номи «Жамраи ақаба», иккинчиси «Жамраи вусто», учинчиси «Жамраи уло» дейилади.


Боравришда биринчи «Жамраи ақаба» деган шайтонга етти дона тош отдик. Тош отишда Максаи Муқаррама чап кул томонда, Мино эса унг кул томонда бўлди — таомил шундай. Тошларни бош бармоқнинг тирноғи устига қўйиб, шаҳодат бармоғи ердамида унг қош рупарисидан иритгимиз: ҳар бир тошни отанда тақбир, тасбеҳ, бисмиллоҳ, Алоҳу Акбар, деб сузлангди. Шу зайдда еттига тошнинг биттадан отдим. Агар бордигу, берилиб кетиб еттига тошни бирарақайига отиб юборилса, у ҳолда фақат бир дона тош отилган ҳисобланар экан.

Биринчи тош отилганди бош-лаб «Лаббайка» айтмоқчи тухтадик. Уша кунин тоғдан эргаси тоғига қадаб еттига тошни мазкур тартибда отиб булга, қўйилгачи дуо қилдик: «Аллоҳуммажаҳда ҳажан мабруран ва занбан мақфура афсанан машкурю».

Маъноси: Эй худо, бу зияратини яхши ва қабул булган ҳаж қаторида қилгайсан ва гуноҳимни кеңириб, савий-ҳаракатларимни йўдали ва натижаки элгайсан.

Куприк тағида руйхатсиз келиб яшаётган ҳожилар ҳам жулда кўп экан. Шом намазини ўқидик, сунгра тақбир, тасбеҳлар айтиб чодирга келдик ва соғимизни қисқартирдик. Кеч кириб чарчаганимизга қарамай рўҳимиз тетик эди. Ҳамроҳларимизни турик кунингидан излаб топмадик ва бу ишни эртанги тоғга қолдирик. Шу қурбон ҳайити кунини ҳуфтонда элиқбошимиз кекса ҳожиларга зияратимиз қабул бўлишини сураб, дуо қилдишларини айтиди. Эрта тонда қурбонлик учун атайган қўйлар суйилаётган пайтда ҳаммаимизнинг номалимиз зикр этилганини эшитиб, хушнуд бўлдик. Ҳожиларимиз узок дуо қилишди.

(Давоми бор.)
Қўшоқбой ҳожи ҚОСИМОВ.




Ширин бола, шакар бола, той бола...

Бошқотирма

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 1. Дунёдаги энг тез усувчи қамишқом усимлик. 4. Ўзбек ширини, олими «Абдул-файзон» драмаси муаллифи, Алишер Навоий номидати Давлат мукофоти номзоди. 7. Шарият илмлари билимдонини. 8. Рангли металл. 9. Ижод маҳсули. 10. Табиат, жамъ ва тафаккур тараққийнинг қонунгадилари ҳақиқидати фан. 14. Қирғизистондаги дарё. 16. Маълум касб ҳунарта оид наспир. 18. Сайроқчи қўл. 19. Утмишда пул майлалар ёқи ҳорижий пулга алмаштириб берувчи киши. 21. Маълум шаклида ишлаб чиқарилган металл. 24. Спорт иншооти. 26. Эрон пуд билиғи. 27. Молия муассасаси. 28. Япониядаги шаҳар. 29. Миллий газлама тури. 30. Муйнали жонивор.



Бўйига: 1. Ўзбекистондаги вилоят маркази. 2. Ҳизмат, иш учун берилган ҳаж. 3. Теракнинг туш гули. 4. Кимевий мода. 5. Ўзбек халқ мақоли. 6. Шамъуқомла мусққа асарининг бир қисми. 11. Рўйи заминнинг сайқали булган шаҳар. 12. Миллий «чавалозлик» муобоқаси тури. 13. Танлиқ ўзбек қадимшунос олими. 15. Наасрий асар тури. 17. Балқик тури. 19. Абдуқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 20. Энг оммавий спорт уйини. 21. Нефдан ҳосил булган энгил газ. 22. Европа ва Осиё қитъаларида жойлашган мамлакат. 23. Афғонистондаги қадимий шаҳар. 25. Шарпаатли бино.

Тузучи: Ф. ОРПАМОВ.

46-сонда эълон қилинган «Топқирлик машқ»нинг жавоби:

- 1. Касаба. 2. Ангана. 3. Ариза. 4. Ахборот. 5. Талбирқорлик. 6. Кафолат. 7. Тафтиш. 8. Шароф. 9. Филкор. 10. Ранс. 11. Слет. 12. Тағтайла. 13. Армуғон. 14. Касб. 15. Бюро. 16. Орият. 17. Терма. 18. Ахлоқ. 19. Қабила. 20. Анжуман. 21. Ном. 22. Аскар. 23. Раесат. 24. Тана. 25. Арбоб. 26. Бахт. 27. Тинчлик. 28. Корхона. 29. Архив. 30. Вақилик. 31. Касаначилик.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда, Республикаимиз худудиди келгуси ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳаво булутли келиб, вақти-вақти билан булаётган егингарчиликларнинг қорға айланганли кутулади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида егингарчилик деярли бўлмайд. Ҳарорат кечалари -2, +3 даражадан -4, -9 даражагача пасаяди. Шимолий туманларда ҳарорат -3, -8 даражадан -9, -14 гача, жойларда -17 даражагача пасайиши мумкин. Кундуз кун-

лари ҳарорат -1, +4, даража иссиқ. Шимолий худудларда -2, -7 даража совуқ булади. Егингарчиликнинг тиниши билан ҳарорат +4, +9, шимолий худудларда эса +0, +5 даражагача кутарилади. Республика геомагнит маълумотига кура, келгуси ҳафтанинг 15 декабри кунини геомагнит «буруни» келиши кутулади. Шунинг учун об-ҳаво узгартишларига сезувчан беморлар 13 декабрдан 17 декабргагача антивазеспастиг доридан 1 порошоддан ичшиларини маслаҳат берамиз. Унинг таркиби қўйилгачи: аскорбин кислотаси — 0,05 гр., рутин — 0,02 гр., дивазол — 0,02 гр., папаверин — 0,02 гр., тиамин хлорид — 0,01 гр., резерпин — 0,0001 гр., глюкоза — 0,2 гр. Шунингдек, очик ҳавода сайр этиш вақтинин узайтириган маъқул. Иш ва дам олиш кун тартибларини туғри режалаштириш ҳамда борм, тазеям сингари тинчлантирувчи дорилардан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Гўёҳандлик—хавфли иллат

...КУЗА КУНИДА СИНАДИ

Сунгги пайтларда республикаимизда гўёҳандлик моддаларини истеъмол қилиш, олиб юриш ва тарқатишга қарши кескин кураш олиб борилмақда. Чунки гўёҳандлик хавфли иллат сифатида кенг жамоатчиликни танишига солаётган муаммолардан биридир. Бу гўёҳандликнинг иш билан шугулланган ишхоналарнинг пайини қирқиб ҳуқуқ ва назорат органларидан катта масъулият талаб этади.

Тошкент шаҳар, божхона хизмати ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда гўёҳандлик моддаларини олиб юриш ва тарқатишга қарши кулгина таъбирларни амалга оширмоқда. Натижала хавфли иллатнинг йули имон қалар сувиаятиги. Шу йилнинг утган даври мобайнида гўёҳандлик моддаларини олиб юриш бўйича 99 ҳолат аниқланди, 46 кг. 262 грамм огу ушлаб қолинди. 8 ноябрь кунин 10 божхона пости ва ички ишлар бўлими ходимлари Тошкент тайроғидаги назорат утказидилар. Тошкент-Москва самолетиға чипта олган Г. исмли фуқаронинг енидан 11,5 грамм оий моддаси тоғиди. 14 ноябрда Тошкент-Хабаровск самолетиғи юқлари лари текширилади ўтказилгандида Тоғжикстон фуқаролари булган 3. исмли аёлнинг юқлари орасида 245 грамм, Л. исмли аёлнинг енида 122 грамм оий гўёҳандлик моддаси борлиғи аниқланди. Афсуски, бундай мисоллар оз эмас. 16 ва 18 ноябрь кунлари божхона хизмати ходимлари Тошкент темирйўл станицисиди ут нафар шубҳали шахсини кула олдилар. В. исмли Ўзбекистон фуқаросининг енидан 10 грамм марихуана, Тоғжикстон фуқаролари булган Л. ва Н. исмли шахсларнинг юқлари орасидан 13 грамм қоралори, 4 кг. 163 грамм тана тоғиди. Шунингдек, 19 ноябрь кунин Тошкент божхона хизмати ва темирйўл ички ишлар бўлими ходимлари Ю. исмли Ўзбекистон фуқаросини текшириб куришгиди 494 грамм марихуанна борлиғи аниқланди. Муамд рақамиди илликчида қалтис ишга кул урган оқоридати шахслар энди оиди қонун олдида жавоб бериладик. Куза кунда эмас, кунда синар, ледангари шу бўлас керак.

К. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар божхона хизмати ходими.

ХАНДАЛАР

Прокурор: — (Жабранлувчиға) Айбдор деганингиз сизни урганини ҳеч ким курмаган.

Жабранлувчи: — Нега энди?! Бунинг иллати ҳужжатларим бор, уша захоти шифо-корга мурожаат қилганман.

Прокурор: — Бунинг узи етарли эмасда!

Жабранлувчи: — Ия, сизнингча, аввал гувоҳ еслаб, сунг калтак ейиш керак эканда!

Прокурор: — Ҳа, балли! Ана шунда ҳақиқий гувоҳға эга булардингиз.

1-йўловчи: Қўполлик ҳам эвида-да, ҳўкиза ухлайсиз-а!

2-йўловчи: Унақа ҳаммани узингизга ухшатаверманг-да.

Фарида УСМОНОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Ташкилот олдидан пуа ўтказиш йўли билан қўйилгиларни тақдир этади:
ВА3-2105, ВА3-2108, ГА3-24 АВТОМОБИЛАРИГА АВИГАТЕЛААР.
Бизга **50-47-47** РАКАМАИ ТЕЛЕФОН ОРКААИ МУРОЖААТ ҚИЛИШИГИЗ МУМКИН.

Сиз учун қўлай ва қўнғай!

"Бахт" ҳиссдорлик жамияти аҳолиға, қорхона ва ташкилотларға ўз хизматини тақдир этади:

Тўй ёки бошқа хил маросимларни ўтказмоқчи бўлсангиз, марҳамат, биз сизға транспорт воситааларидан ердам курсатишимиз мумкин. "Линкольн", "Чайка", "ГА3-13", "ГА3-14", "Волга", "ГА3-24"

РУСУМЛИ ЗАМОНАВИЙ ЕНГИА МАШИНАЛААР, ЮМШОҚ УРИНДИҚАИ "ИКАРУС", "РАФ", "ЛАЗ", автомобиллари мушқулингизни енгиллаштиради! Шунингдек, носоз техникаларни ташишға мўлжалланган тележка (арава)ларға буюртмалар қабул қилинади. Биз хизматингизға ҳамиша тайёримиз!



Мурожаат учун манзил: **Тошкент шаҳар, Аэродром кучаси 5-уй.**
Телефон: **66-45-30, 41-80-27**

ИШОНЧ
Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Акмал АКРОМОВ, Рустам АБДУРАЗОҚОВ, Абдуманно АЛИМБОВЕВ, Дилбар ЖАҲОНГИРОВА, Турғун НАЗАРОВ, Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ, Муҳайе ТУЛАГАНОВА, Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, Баҳодир УМРЗОҚОВ, Тўлқин ҚОЗОҚБОВЕВ.
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Муҳарриратта келган қўғамалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмасани лозим) ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди, фойдаланилмаган хетларға яваб юборилмайди. Тақдирингиз воситасини қилмайди. Микдорларидан ҳамда реклама ва эълонлардиги фирма-муассасалар, келтирилган факт ва рақамлар мустақиллиги муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчлари зиммасидир.
• Газета 1991 йил 21 мартдан чикда бошлаган.
• Сотууда эркин нархда.
Манзиллими: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
• Нашр куреткичи: 64560; 64561.
Газетаға 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• ИВМ қўмитасида терилди ва сақланган Офсет усулда босилди. Формати А-2, ҳамини 2 босма табоқ.